

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 49 (6791)
1997 йил, 28 июнь, шанба

Сотувда эркин
нархда



дан бол томади денг. Айниқса, гуруҳимиз етакчиси корейс қизи Валентина мени яхши қурарди. Аслида у болаларнинг ҳаммасини севарди-ю, назаримда у менга алоҳида меҳр билан қарарди. Ёки менга шундай туюлармиди, билмадим, ҳарқалай бирор машғулот утказмоқчи

тозимга ёзган шеъримни қушиб ўқиб юбордим. Сизган сезди, сезмаган сезмади. Биз мушоярада голиб чиқдик.

Кечқурун шуларни уйлаб ётар эканман, мактабимни, устозларимни, синфдошларимни жуда-жуда қургим келди...

Таъғил пайтида купинча қиш-

вондан Бобурнинг китобларини олиб ўқидим. Дадам ўқиганларида яхши англагандим, аммо, китобдан ўқиган шеърларимни тушунмадим. Бобур яшаган қишлоқда ҳам бошқача шевада гапирса керак-да. Лекин шўрлик Ҳиндистонда яшаб, Ватанини роса соғинган экан. Бул-

Ифтихор

ҳам, харитадан Ўзбекистонни бармоғим билан тугри курсата оламан.

Баъзи-баъзида уйлаб қоламан. Катта бўлсам, чет элларда ўқисам, Ўзбекистонни роса соғинсам керак. Шу пайтда онам, дадам эсимга тушиб кетади.

— Дада, сиз нега чет элда ўқимагансиз? — дейман.

— Эй, қизим, — дейди дадам хурсиниб, — бизнинг давримизда чет элда ўқиш тугул, хорижга чиқишнинг ўзи мушкул эди. Мана мамлакатимиз мустақил бўлди, энди сизлар ўқийсизлар чет элда.

Хаёлан яна чет элда ўқиётган буламан. Дустидугоналарим билан дунё кезамиз. Устозларимиз айтган Эйфел минорасига чиқамиз, Амазонка дарёсида қулоқ керамиз.

Ва бир куни самолётни тулдириб, албатта Ўзбекистонга — Ватанимизга қайтамыз.

Чунки, биз Ўзбекистон фарзандларимиз!

Чунки, биз Ўзбекистонни ўз онамиздек севамыз!

Ушанда биз самолётда туриб, ҳозир мактабда айтган қушигимиз Ўзбекистон гимнини баралла қуйлашимизга шак-шубҳа йўқ. Токи бу қушиқни бутун жаҳон эшитсин. Ўзбекистондек озод юрт борлигини, унинг фарзандлари ўз Ватанларини жону дили билан севишини билсинлар!

Муштарий БОЛИЕВА,
Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги 154-мактабнинг ўқувчиси.

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ?

Куни кеча мен Октошдаги «Камалак» болалар оромгоҳидан қайтдим. Саккизинчидаги акам Жаҳонгир ва еттинчи синф ўқувчиси опам Хулқар ҳам мен билан бирга бўлишди. Оромгоҳимиз баланд тоғ этагида жойлашган, яшиллик қуршовида эди. Ҳавосининг тозаллиги-ю, сувининг зилоллигини айтмайсизми? Хуллас, дугоналаримнинг тили билан айтганда, «лагерга гап йўқ» эди.

Лекин мен нима учундир бир ҳафта утгач, шаҳарни, аниқроғи уйимни соғина бошладим.

Биз ҳар куни оромгоҳда турли ўйинлар ўйнаймиз, машғулотлар утказамиз. Ҳатто қушни оромгоҳ болалари билан мусобақалашдик ҳам. Юз метрга югуришда опам Хулқар биринчиликни олди. Мусобақада фаол қатнашганим учун менга ҳам совға-саломлар беришди.

Ҳаммаси яхши бўлди, лекин мен кечга яқин кроватга қузилар эканман, негадир ҳовлимизда Гулноз ва Шаҳноз билан қувалашиб юрганларимни узоқ эсладим...

Тарбиячиларимизнинг тили-

булсак, ҳузурига биринчи мени чақирарди. Ҳатто баъзида маслаҳатлар ҳам сўрарди.

Валентина хола бир куни мени хонасига чақирди ва ширинлик ейишга таклиф қилди. Мен уялдим. Аммо у мени бағрига босиб, сочларимни силади, уйимдагиларни сўради. Тошкентга боргач, менга сийм қоқиб тур, деб телефон рақамларини берди. Эриб кетганимданми, кўзларимга ёш келди.

Гарчанд шундай меҳр тула оғушда бўлсам-да, ушанда негадир онамнинг, онажонимнинг олдига кетгим келаверди...

Бир куни оромгоҳда мушояра бўлди. Биз унга қизгин тайёрландик. Кутубхонадан китоблар олиб, шеърлар ёздадик, тез айтишлар машқ қилдик. Кечга томон қушни лагердан қизлар келишди. Улар ҳам жиддий ҳозирлик қуришган экан. Роса шеърхонлик бўлди, қушиқлар янгради, рақсга тушдик. Шеър айтиш гали менга етганда, ҳаяжонланиб кетдимми, билмадим, бироз тутилиб қолдим, аниқроғи шеърнинг ярми эсимдан чиқиб кетди. Шунда мактабда ус-

лоққа — энамнинг олдига кетамиз. Мевалар жудаям кўп, бир томони баланд тоғлар. Биз борсак, энам ҳам, тоғаларим ҳам хурсанд бўлишади, нимаики бўлса менга тутишади: «Муштарий мана бунни кий, Муштарий мана бунни е». Тоғамнинг қизларинику — қуяверинг, байрам бўлиб кетади. Илгарилари уларнинг гапига баъзида тушунмай қолардим. Сал бошқачароқ гапиришадими-ей, дадамдан сўрасам, бу қишлоғимизнинг шеvasи дедилар ва уша шевада гапира кетдилар. Дадамнинг гапиришларини қуриб, роса қулганман, ушанда. Кейинчалик мен ҳам урганиб олдим. Хуллас, қишлоқда утган кунларим жуда файзли бўлади. Аммо, кунлар утавергач, йўлга қарайвераман: дадам келаяптимикин, ойим қуришиб қолса-я...

Нега шундай — ўзим билмайман. Ойимдан сўрасам, «ўз уйинг, улан тушагинг», дейди. Дадам эса кўп ривоятлар айтиб беради. Ҳатто Мирзо Бобурнинг газалларини ҳам ўқиб берганлар. Дадам ишга кетгач, жа-

маса Ҳиндистон қандай ажойиб жой-а! Катта бўлсам, албатта, Ҳиндистонга бораман, уларга қараб «Намасте!» дейман.

Дарвоқе, яқинда дадам мени «Ўзбекистон» меҳмонхонасига олиб бордилар. Кинофестивал бўлаётган экан. Ўзим билан ҳинд актёрларининг суръатларини олгандим. Уларни кийинишдан биламан. Бир-иккитасидан дастхат ёздириб олдим. Афсуски, гаплаша олмадим-да, тилини билмадим, улар ҳам ўзбекчани билишмас экан. Ҳиндистон ҳақида кўп нарсаларни сўрамоқчи эдим — бўлмади. Фақат «Намасте!» дедим. Улар ҳам «Салом» дейишди. Тил билганимда Бобур Мирзони Ўзбекистонга жунатинглар, Ватанини соғинибди, соғинган ёмон бўлади, демоқчи эдим. Чунки, ойим айтмоқчи, ўз улан тушагини соғиниш қандай бўлиши бошимдан утган-да!

Дунё харитасига қарасанг, ер шарни қанчалик кенг, лекин Ўзбекистон жойлашган маскан қузимга иссиқ қуриनावеради. Ҳатто опам қузимни ёпиб турса


КАСБ БАЙРАМИ

Кеча пойтахтимиздаги «Тошкент—Ленд» дам олиш масканида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган сайил ўтказилди. Ўзларининг касб байрамларига тўпланганлар олдига Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди эълон қилган «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови голибларига мукофотлар топширилди. Шу куни бу ерда турли хил тadbирлар ўтказилди.

Шу куни Ўзбекистон Халқ Таълими вазирлигининг факрий ёрлиғи билан мухбир опангиз Феруза Одилова тақдирланди.

Обунамиз жонқуяри — болалар маънавияти учун қайғурувчан «Навруз» жамғармаси эса «Тонг юлдузи»га 50 минг сум пул ажратди.

Иқтидорлиларни излашда фаоллик курсатаётгани учун берилган «Улугбек» номли истеъдодли ёшларни қўллаш жамғармасининг биринчи даражали дипломи ҳам «Тонг юлдузи» жамоасини илҳомлантириб юборди.



Не-не зотлар ўси ўзбек тупроғида,
Сен жавобсан келажакнинг сўроғига.
Бир юлдуз бўл туроп юртининг қароғига
Истиқболнинг улғў бўлсин, Жаҳонгирим!

Исминг болам, жисмингга ҳам
бўлсин монанд.
Исминг каби ҳимматинг ҳам бўлсин баланд.
Жоним болам эконингга бўлсин пайванд
Бағринг пурга тўлиқ бўлсин, Жаҳонгирим!
Иқбол ХАЙДАРОВА,
Жиззах.

ҲАФТАНИНГ

ЕТТИ КУНИ
ПАРИЖДА КИТОБ
ТАҚДИМОТИ

Сарбонна университетлар мажмуи ҳудудида жойлашган ҳамда илм соҳалари бўйича унвон университетни бирлаштирувчи Париж академиясида Президент Илхом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда олимлар, ўқитувчилар, талабалар, дипломатлар, тadbиркорлар, журналистлар ва Франция жамоатчилиги қатнашди. Мазкур китобнинг бундай катта ва нуфузли даврада муҳокама этилиши асарда кутарилаётган муаммоларнинг бутун дунё халқлари учун муҳимлиги, ута долзарблигидан нишондир. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбарининг бу китоби янги асрнинг янги асари сифатида республикамиз вилоятларида, турли таъқилотларда ҳам урганилмоқда.

Журналист деганда халқимиз кўз ўнгиди элу юрт қувончи ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юривчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Ислон КАРИМОВ.

ЭРКИН СЎЗ БАЙРАМИ

Ростлик дунёсининг чечаклари, азиз болалар! Сиз жуда яхши биласизки, дунёда мухбирлик деган шарафли, ўз ўрнида машаққатли бир касб бор. Хаёлпараст, сайру саёхатга орзуманд, етти иқлим нафасини туйиб, тўрт томон қибла эканлигини ҳар лаҳза тан олувчи журналистлар хиёнатни кечирмайди. Ҳақиқатни ёқлайди. Зеро, ҳақиқат ва ростгўйлик бу касбнинг жавҳаридир.

Сиз суратда кўриб турган камина — кадрдон газетангиз «Тонг юлдузи»нинг бош муҳаррири Умида Абдуазимова. Негадир касб байрамимиз куни сизга 30 йил аввалги суратимни кўрсатгим келди. 30 йил-а?... Ахир кечагина эмасмиди, кадрдон газетамиз «Тонг юлдузи» («Ленин учкуни») қоши-

даги Тоҳир Малик, Наримон Орифжонов, Мурод Хидирлар бошқарадиган тўгаракка ҳайрату-ҳаяжон билан келганим. Мактаб ҳаётидан хабарлар, лавҳа ва шеърларим чоп этилса, ҳаммага кўз-кўз қилганим.

Мухбирлар шифокор билан шифокор, ишчи билан ишчи, деҳқон билан деҳқон бўлиб суҳбатлашиши керак.


Мулоқотга осон вазият яратувчи, суҳбатдошнинг оғриқ жойи қаердаю, қувончи, бахти нимада эканлигини тезда илғаб олувчи мухбирликка йўл сизнинг ёшингиздан бошланади.

Жамоамиз ходимлари матбуот куни билан газетамиз жонкуярлари ёш ҳамда кекса мухбирларни чин дилдан муборакбод эта-

ди. Уларга соғлиқ, илҳомий кайфият тилайди.

Куйида, элимиз таниган, эъзозлаган журналистларимизнинг болаликдаги орзулари, интилишлари ва уларнинг болалик қўйнида қолиб кетган суратлари билан танишасиз.

Умида АБДУАЗИМОВА.



КАСБ ГАШТИ

Агар мендан дунёда энг лаззатли он нима деб, сўрасалар уйламай-нетмай бу уз касбининг гаштини суриш пайти, дея жавоб берган булардим. Касблар ичида унинг гаштини тез-тез суриш мумкин бўлгани бу журналистлик касби бўлса керак. Ҳар бир материалнинг матбуотда босилиб чиққанида куча-куйда уни одамлар ўқиётганини куришнинг ўзи ажойиб гаштдир. Айниқса, ўзингизга нотаниш бўлган одамлардан газета ё журналдаги мақолангиз ҳақида менга ёқди, таъсирланиб кетдим, деган гапларни эшитишингизнинг ўзи кишига бир олам завқ бағишлайди.


1947 йили «Ленин учкуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи»)да биринчи шеърим босилиб чиққанидаги қувончимни гап билан айтиб бўлмайди. Ушанда синфдошларимнинг босилиб чиққан шеъримни ўқиётганларини куриб, шоир ва журналист бўлишни юрагимнинг бир чеккасига тугиб қуйгандим. Худога минг қатла шукрим, орзумга эришдим. Мана ҳозир фахрли журналистлар қаторида нафақада бўлсам ҳам касб гаштини суришни қумсаганим-қумсаган. Баҳоли қудрат матбуот ва радиода қатнашиб турибман.

Олим КЎЧҚОРБЕКОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист, ёзувчи.

МУХБИРЛИК — ЖАҲОНГАШТАЛИК

Болалик пайтларимдан журналистликка меҳр қуйганман. Завод рационализатори ҳақидаги дастлабки хабарим вилоят газетасида чоп этилганида 7-синфда эдим.

Балки қулғули туюлар; усмирлик чоғларимда сирли жимирлаётган юлдузли осмонга қулимни очиб яратгандан журналист касбини эгаллашимга мадад сураган вақтларим куп



«ОДДИЙ ХАБАРЛАРДАН БОШЛАГАН ЭДИМ...»

Ҳаваскор мухбир сифатидаги дастлабки хабарларим туман газетаси саҳифаларида босила бошлаганида қишлоғимиздаги тулиқсиз урта мактабнинг еттинчи синфида ўқир эдим. Оддий дала ишлари, оддий касб эгалари ва купроқ мактабимиз ҳаётига оид кичик, баъзан эса бор-йўғи бир неча жумладангина иборат бу хабарлар мени бениҳоя руҳлантирар, ёзганларимнинг ҳар ун-ун бештасидан атиги биттаси босилиб чиқишига қарамай, тинимсиз

машқ қилар эдим.

Бир гал қизиқиб кетиб ярим тунда уйдагиларга ҳам айтмай олис Чотқол тоғи ёнбағирларида қишляётган чорвадорлар олдида йўловчи машинага утириб кетиб қолганман. Енгил кийинганимдан, аччиқ совуқ баданларимни тешиб юборай дейди, йўл ниҳоятда машаққатли. Бир томон баланд қоя, иккинчи томон тубсиз жар. Эски «полуторка» — шунақа юк машиналари булар эди, кучаниб, худди иложсиз гингшигандай олдинга интилади.

бўлган.

Эзгу орзум кўрмаган жойларимда бўлиш, танимаган одамларимни тинглаш, уларнинг дардига, қувончига шерик бўлиш эди.

Ҳозир оиламиз даврасида газетанинг топшириғи деб метро қурилишида мухбирлигимни яшириб ишлаганим, Сибир тайгаларининг инсон қадами етмаган ўрмонзорларида, Байкал соҳилларида кезганим, чулу биебонларда бир томчи сув, кафтдек сояга зор бўлган пайтларим ҳақида гапиришни ёқтираман. Уша йиллари Ўзбекистоннинг забар-

да ёш сақмончи дўстларим — қузилатиш пайти чупонларга ёрдамга келадиган йигитчаларни шундай деб аташарди — туғрисидаги биринчи репортажим босилиб чиққанида мендан кура бахтиёр одам йўқ эди дунёда. Бу ҳам майли, ушанда сақмончиларга эътиборсизлик билан қараётган, иссиқ-совуқидан вақтида хабар олмаётган раҳбарларни анчайин чимчилаб ҳам утган эдим...



Йиллар утиб журналист ҳам бўлдим. Дунёнинг бир неча мамлакатларига бориб мухбир сифатида уша ерлардан ҳам мақолалар ёздим. Аммо уша сақмончи дўстларим ҳақидаги биринчи репортажимни ҳамон муқаддас бир бойликдай асраб келаман...

Аҳмаджон МЕЛИБОВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси Бош муҳаррири.

ЭЪЛОН, ХАБАР, ТАБРИК, ИСТАК... ЯНА 1027 ГАЗЕТХОН


Азалдан маърифат учоғи бўлган Ўзбекистонимиз болаларининг ёдуга, илму фан, маданият ва маънавиятга талпинишлари табиий. Зеро, уларнинг қонида Ал-Беруний, Ибн Сино, А. Навоийлар қони оқади. Бизнинг «Тонг юлдузи» газетамиз ҳам болалар дунёсига, уларнинг руҳий оламига уша муқаддас ёдуги олиб киради. Шу кунларда ярим йиллик учун газетамизга обуна бўлинганлик ҳақидаги хабарлар келиб турибди. Кеча Андижон вилоят давлат почта алоқаси хабар қилди: Муштарийларимиз сони 1027 нусхага кўпайибди! Қанийди, бошқа вилоятлардан ҳам болаларнинг тиришқоқлик билан обуна бўлаётганликлари ҳақидаги шундай хабарларни тезроқ эшитсак.

ТАНДИР БОШИДАГИЛАР...

Болалар, сизнинг ҳаммангиз ҳам нонга сарф қилинадиган меҳнат жараёнини чуқур билмасангиз керак. Тасаввур қилинг-а, нонни пишириш учун аввал ун эланади, хамир қорилади. Сунг тандирга тез-тез ўтин қалаб, олов ёқилади. Қизига эса, тобини чамалаб... нон ёпилади. Ноннинг бурсилдоқлиги тандир бошида турган одамнинг маҳоратига юз фоиз боғлиқ.

Сиз Матбуот байрамида нега нонга ургу берайсиз деб хайрон бўлманг. Чунки нон қоринни туйдирса, газета руҳни бойитади. «Шарқ» нашрият-матбаа концерни босмаҳонаси филойилари Жамолиддин Абдурахмонов ва Нарзулла Ҳамроев, Искандар Холиёров — акаларингизнинг меҳнатлари ҳам тандир бошида турган инсон меҳнатидай масъулиятли ва қадрлидир.

Газетангиз — «Тонг юлдузи» чиройли чиқиши учун интиладиган, унинг куркаму сифатлилигини буйнига олган бу акаларингизни ҳам матбуот куни билан табриклаймиз.



КЕЛАЖАК ХАТОНИ КЕЧИРМАЙДИ,

— дейди Навоий вилояти, Навоий туманидаги 6-мактаб директори Маърифат опа Ансорова.

— Мана, таътил давом этаяпти, аини пайтларда ўқувчиларингиз нима билан шуғулланишидан хабардормисиз?

— Албатта, биз ўқитувчилар учун таътил — имтиҳон даври бўлади. Болаларимиз қаерда, нима билан машгул ҳаммасидан хабаримиз бор. Қолаверса, улардан кунглим жуда тўқ. Вилоятда биринчи бўлиб 1 июнда мактабимизни ремонтдан чиқардик. Албатта, бу ўқувчиларимизнинг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги эвазига бўлди. Ўқувчиларимизнинг кўпчилиги «Кибалчиш» ҳамда «Сармиш» лагерларида дам олишяпти. Мактабимиз қошидаги ҳунар ва санъатни урганиш тугараклари мунтазам ишлаб турибди.

Болаларни таътил бошланди, деб ўз ихтиёрига ташлаб қўймаслик керак. Уларнинг орзу ва қизиқишлари билан танишиб, маълум бир йўлга йўллаш лозимдир.

Ўқувчилар билан боғлиқ жуда кўп бахтсиз ҳодисалар таътил пайтларига тўғри келади.

Шунинг учун уларни назоратсиз қолдириш бу — жиноятдир. Энг аввало бола меҳнатга кўнгил боғлаши даркор. Бунинг учун эса ота-оналар ҳамда ўқитувчилар бамаслаҳат режа тузиб, ўз болаларини келажагини ўйлаган ҳолда иш қўришлари лозим. Келажакка ҳалол, меҳнатсевар, билимдон бўлиб етишадиган инсонлар керак. Бир лаҳзалик лоқайдлик оқибатида катта хатога йўл қўйиш мумкин. Шунинг учун келинг, яхшиси, сизга кўзининг остидан қараб-қараб қўяётган, нимадир демоқчи бўлаётган болангизнинг кўнглини эшитинг-чи, у сизга нима дейди?

МЕНИНГ

ЖАЙРОНЧАМ

Менинг исмим Машраб-жон. Жиззахнинг Саройлик қишлоғида яшайман. 6-синфни тугатдим. Барча синфдошларим оромгоҳларга, қариндош-уруғлариникига таътилни мароқли ўтказиш учун йўл олишди. Менинг эса қишлоғимиздан бошқа жойга борми келмайди.

Қўй, эчкилари ҳамда кун-

габоқар экилган каттагина томорқамиз бор. Деярли ҳар кун томорқамизда айланиб чиқаман. У ердаги бегона ўтларни юлиб, қўй-эчкиларимни боқаман. Эчкимга Жайронча деб ном қўйганман. У жуда ҳам шўх, жайрондек чиройли. Ишлардан қўлим бушаган пайтлар дoston ўқишни яхши кураман. Ҳатто айрим дostonларни ёддан биламан.

Ундаги қахрамонлар менинг яқин дустларимга айланишган.

Бир кун Жайронча мени жуда қаттиқ хафа қилди. Уриги гарқ пишган дарахт остида узимга китоб ўқиш учун чиройли жой ясаб олганман. Мен китоб ўқиб утирган жойнинг ёнгинасидан зилол сувли ариқча оқиб ўтади. Пишган ўрик, шафтоли, гилосларнинг ёқимли ҳиди, ариқчанинг салқин шабадасидан кўзим илиниб қолибди. Анча маҳалдан кейин кўзимни очиб қарасам, қўлимдаги дoston китобим йўқ. Шунда пайт жайрончамнинг шўх маъраши эшитилди. Не кўз билан курайки, ярим чайнаб ташланган китоб унинг оёғи остида ётарди. Жаҳлим чиқиб кетди. Жайрончани урмоқчи бўлгандим, қочишга улгурди. Ҳозир у билан гаплашмаяпман. Ҳар эрталаб мени кечир, дегандай кўзларимга ёлвориб қарайди. Онажоним: «Кечирақол, ўғлим, ҳар кундагидек бориб эркалатгин. У ҳам тилсиз жонивор. Унга раҳм қилгин», — дейдилар. Менинг эса аразим тутагани йўқ. Сал эси кирсин ярашиб оларман. Ҳозирча у билан гаплашмайман. Жайронча ҳақида гапиравериб, боғимизни, ундаги қўшларни тинимсиз қўёшга қараб буй қўзаётган кунга-боқарларимни сизга таърифлаш сал бўлмаса ёдимдан кутарилай дебди. Бизнинг боғимизда мевали дарахтлар шу қадар кўпки, қўёш нури тушадиган тангадек жой топилайди. Эрта тонгдан дарахтлар устига қўниб олиб, ўз тилларида чўғурлашиб, нима-нидир бахшлаётган қўшлар базминини қўрганмисиз? Қўрмаган бўлсангиз бизникига келинг. Боғимизни кесиб ўтадиган ариқнинг суви шу қадар тиник. Айтишларича, у тоғлардаги қорларнинг суви эмиш. Офтоб тиккага келган пайтлар маза қилиб шу ариқда чўмиламан. Шаҳарда яшайдиган тоғам боғимизнинг чеккасига, салқин жойига тур беланчак ясаб берганлар. Чўмилиб бўлиб уша беланчакда мазза қилиб дам оламан. Хуллас, ана шунақа гаплар.

Айтгандек, исмим Машраб бўлгани учунми, ёки онамнинг қорниларида йиғлаганим учунми, билмадим лекин ҳар қалай шеър ёзишни яхши кураман. Янаги сафар, албатта узим ёзган анча шеърларни сизларга юбораман. Ҳозирча,



назаримда улар анча хомга ўхшайди. Яна бир гап. Аини кунларда қаерда дам олишни билмай бошингиз қотаётган бўлса, бизникига келинг. Таътилни бирга ўтказамиз. Сизни шум ва безори Жайронча билан таништираман. У билан гаплашмай қўйганим учун, менга ўчакишиб, сизга ёзаётган икки варагимни чайнаб ташлади. Бу учинчи хатим. Хайр, соғ бўлинглар, сизларни албатта кутаман.

Машраб ЮСУПОВ,
Жиззах вилояти, Жиззах
тумани, Саройлик
қишлоғи.

РАИСНИНГ КЎЗИГА КЎРСАТАМАН

Агрофи бесарҳад кумликлар билан уралган бир шаҳар бор. Худди эртақлардагига ўхшаб йўл юриб, йўл юрса ҳам

мўл юриб ниҳоятда чиройли бир қўрмак маконга учрайман. Бу маконнинг номи — Учқудук.

Бу шаҳарга кириб борар эканман, юрагимда яна бир бор инсон қўдратининг чексизлигига имон келтирдим. Ям-яшил дарахтларга бурканган мўъжизавий шаҳарда худди Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига ўхшаб, одамлар тинч, осуда, бахтиёр яшайдилар. Кимдир ишга шошилган, яна кимдир бозор томон ошиққан. Назаримда бу ерда яшайдиган инсонларнинг қалбидан меҳнат ишқи чуқурроқ ўрин олгандек.

Ўз хаёлларим билан борар эканман, икки қўлида икки челақ кутариб пилдираб бораётган 14 ёшлар чамаси болага кўзим тушди. У ишбилармон одамлардай бозорга ошиқарди. Қандайдир куч мени унинг ортидан боришга ундади. Болакай бозорга кириб, мевачева сотадиганлар растасидан урин олиб, бамайлихотир савдога киришди:

— Кеб қолинг, Хатирчининг қанду асал уригидан тоғмабсиз, бу дунёга келмабсиз.

Унинг узини тутиб олгани, ниҳоятда мустақиллигидан завқим келиб кетди, беихтиёр суҳбатга тортгим келди:

— Ҳорма энди, киноси қанча бўлди?

— 50 сўмдан, келинг опа, татиб қўринг. Олсангиз пулингиз узингиз билан кетади.

— Яхшигина бозорчи экансан, исминг нима?

— Шерзод. Ҳа энди бозор қўрганмиз-да, опа...

— Шерзод, нечанчи синфда ўқийсан?

— 8-синфга ўтдим.

— Урикни қаердан олиб келасан?

— Хатирчиликман, қишлоғимиздан олиб келаман-да. Яна қаердан буларди?

— Шунча узоқ йўлга-я?

— Нима қилибди, дадам автобус ҳайдайдилар. Ушалар билан келаман. Уригимни сотиб бўлгач, яна уларга қўшилиб, орқага қайтаман.

— Таътилда дам олишга бирор жойга бормадингми?

— Уч ой вақтимни бекорга ўтказиб нима қиламан. Ундан кура уйдагиларга ёрдамга бораман. Қолаверса бозорни урганаман.

— Ақлли бола экансан,

мактабни тугатиб ким бўлмоқчисан?

— Колхозимизга раис бўламан.

— Нима учун?

— Саволларингиз жуда кўп экан, бошқа ишингиз йўқми, опа?

— Бошқа ишим бору, лекин сен билан бир суҳбатлашгим келди-да.

— Унда орамизда қолсин, колхозимизнинг раиси бир марта пахта терими пайтида пайкал орасида китоб ўқиб утирганимни қўриб қолиб, мени сукиб: «Ўқиб, гўр булармидинг? Яна бурнингни тортиб, шу колхозда нари борсанг сувчи бўласан-да» деган эди. Бу гап менинг юрагимда қолган. Қандай бўлмасин, қишлоқ ҳужалиги институтига кириб ўқийман. Ҳали раиснинг кўзига «сувчи» бўлишни кўрсатиб қўяман.

(Шерзоддаги қатъият, ўзбекона ориятни қўриб, хурсанд бўлиб кетдим).

— Яша, Шерзод. Сенга ўхшаганлар кўп бўлса қандай яхши.

— Опа мени кечирасиз, кун ҳам қизиб келаяпти. Тезроқ уригимни сотиб, орқага қайтишим керак. Яхшиси, қишлоғимизга боринг, утириб бемалол суҳбатлашамиз.

— Майли укажон, раҳмат сенга. Вақтингни олганим учун узр.

Кун бўйи Учқудукнинг тоза, ораста кўчаларини айланиб чиқдим. Ногаҳон кўзим бекатдаги телефонни уйнаётган болаларга тушди. Улар мени хўмрайиб қарши олишди.

— Нега телефонни уйнапсизлар? — сурадим улардан.

— Нима сиз ҳужайинмисиз? — қўрслик билан жавоб берди, ҳалиги болалардан бири.

— Ўйнайдиган бошқа нарсатополмадингларми?


Улар мени масхаралашга утишди:

— Уйинчоқ топиб беринг, уйнаймиз.

Болаларга гапириш беҳудалигини билдим-да, яна ўз йўлимда кетдим.

Ҳалигина Шерзод билан бўлган суҳбатдан сўнг, юрагимда уйғонган ёруғликдан асар ҳам қолмаган эди. Инсон табиати қизиқ-да. Бир оғиз ширин сўз билан осмондасан, аксинча эса... Нима бўлганда ҳам Шерзод билан танишганимдан хурсанд эдим.

ЮЛДУЗХОН,
Учқудук.



Қовун пучоғи ерга тушгунча...

(Бешинчи ўтган сонларда)

Эшитганим бор эди, мушукларда биоток бор деб. Бирор ерингиз оғриётган бўлса, уша жойга мушук суяниб ётса, оғрини олармиш. Буйрагим оғриб юрарди. Қани, кўрайчи, дедимда, ҳар сафар диванга утирганимда Олатойни уша унги биқинимга тираб ётқизиб қўядиган бўлдим. Унинг ҳарорати таъсир қилдими ё бўлмаса мен узимни шунга ишонтирганимданми, ҳар ҳолда нафи теккандек туюлди менга.

Жарроҳлик операциясини утказганим. Шундан кейин ҳар икки оёғимнинг бармоқлари совуққа ута сезгир бўлиб қолди. Бу ҳақида мени мутахассислар огоҳлантиришганди уша пайтда. Бу ҳол куз ва киш ойларида айниқса сезиларди. Бир кун кел, мендан нима кетди, дедимда, Олатойни ётоқхонага олиб кириб, уша оёғим бармоқлари устига ётқизиб қўйдим.

— Ана энди, ўзи шу етмай турувди, — деди опоқ ойингиз, — ану буш ётган хонага икковингизга махсус жой қилиб бера қолай, бемалол ётаверасизлар.

Билдимки, у кишига ёқмади бу қилган ишим.

— Тушунгин, бу иш заруратдан бўлаяпти, — узимни оқламоқчи бўлдим мен.

— Заруратмиш... Уйни ифлос қилиб юборса-чи...

— Олатой ақли, ундай қилмайди, — иложи борица ётиги билан сузлашга интилардим.

— Ақлиммиш, вой энсаларим нега қотмасин бу гапларингизга, биров эшитса нима дейди?

— Бировнинг биз билан неча пуллик иши бор?

— Устингиздан кулишмайди, амакимга нима бўлди, деб.

— Уйда мушук асраётган биргина бизми? — ҳамон буш келмасдим мен.

— Боласини бола десам, додасини қилаётган ишини қуринг. Тавба...

Тушундимки, бу масалада биров бўлсада мурасага келгандек эдик. Хаёлан сузлашаман: «Эй Олатой, Олатой, ишқилиб мени уялтириб қўядиган бирор иш қилиб қўймагинда».

Қизиқ, тунда Олатой ташқарига чиқадиган зарурат тугилиб қолса, ниҳоятда аста келиб, қулимни туртади. Дарров тушунаман, оҳисталик билан урнимдан туришим билан у олдимга тушиб, эшик томон йўл бошлади. Мушук ниҳоятда зийрак ҳайвон эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилдим. Невараларим унга атаб бекорга қушиқ туқишмаганда, дейман узимча.


ларим унга атаб бекорга қушиқ туқишмаганда, дейман узимча.

БЕТОБЛИК

Уқувчиларнинг ёзги таътил даврида опоқ ойингиз билан шаҳар четдаги хушманазара ситхатгоҳда бир оз дам олмоқчи бўлдик. Янглишмасам, Олатой бизни келганига учинчи йил булаётганди ушанда. Шифокорларнинг эътиборидан кунглимиз таскин топиб ҳам даволашиб, ҳам дам олдик. Фарзандларимиз қанда қилмай, биздан хабар олиб туришди. Ҳар сафар келишганда уйдагиларни кунлиқ қўшниларни, қариндош-уруғ-

миш. Невараларингизнинг тинчи бузилган. Вой, Олатойи тушмагур-ей... Балки сизлар уйда бўлмаганларингиз учун узини шундай тутаётгандир.

Урганиб қолганимданми, ё менинг ҳам раҳмим келдими, ҳар ҳолда ичим ачишиб кетди.



ОЛАТОЙ ҲАҚИДА ҚИССА

ларнинг ҳол-аҳволи билан қизиқамиз. Гап орасида, албатта, Олатойни ҳам сураймиз.

— Биласизларми, — деди қизимиз Мавлудакон, — аввалига айтмадик, энди айтмасак бўлмас, деган тўхтамга келдик.

— Тинчликми ўзи, — дарров безовта бўла бошлади опоқ ойингиз. Чамаси невараларидан хавотир олди. — Болаларим соғсаломатми?

— Ҳаммаси яхши, чопқиллаб юришибди, — жавоб берди у. — Ўтган кун бу ерга келишдан олдин уйингизга кирган эдик, хабар олиб кетайлик, деган ниятда. Шу десангиз Олатой қуринмади, сурасак: «Адамлар билан ойимлар кетишгандан бери у подволга тушиб кетди, чиқмаётган», дейишди. Бугун суриштирсак, ҳали ҳам чиқмабди, овқат ҳам смяётганмиш. Невараларингиз билан олдида тушдик. Ерга қапишганча ётибди. Чақирсак бир қаради-ю, яна тескари бурилиб олди. Озиб кетган. Бирам раҳмимиз келди...

Зафархон билан Жамшидхон уқийшдан келгач, подволдан чиқмай қолишибди. Гушт олиб кириб, жон Олатой, егин, додалар келсалар, биздан хафа бўладилар, сенга яхши қарамаганлигимиз учун, кел, еяқол, узинг яхши мушуксан-ку, дейишса ҳам қайрилиб қие боқмаётган-

машинада келганмисиз?

— Ҳа, албатта.

— Сизлар билан бирга кетаман, болаларни ҳам қуриб келаман. Уйда ётиб, эрталаб қайтиб келаман.

Ҳайрон қолдим. Назаримда у Олатойни унчалик хуш қурмасди, «ҳадеб уйга кираверасанми, бошқа мушукларга ухшаб, у ёқ-бу ёқларга бориб айланиб келмайсанми, гашимни келтириб ёпишганинг-ёпишган», дерди купинча.

Хуллас, опоқ ойингиз бизни қургани келганлар билан бирга кетди. Наҳотки Олатойнинг меҳ-

Исмоил СУЛАЙМОНОВ

ри уни уйга стаклаган бўлса, деб уйлайман. Узлари айтгандек, эртаси кун эрталаб қайтиб келдилар.

— Вой, шу десангиз, ҳовлига киришим билан, овозимни ёпиштиб, Олатойингиз чиқса бўладими? — опоқ ойингиз қандайдир ҳаяжон билан сузларди.

— Болаларим ҳайрон, мен ҳам ҳайрон. Келиб оёқларимга сурканди, ялиниб ёлборгандек бўлиб тикилди менга. Невараларингиз бирам хурсанд бўлдики, асти қуяверасиз. Силадим-сийпаладим, овқат берсам, пича еди. Лекин уйга кирсам ҳам, ҳовлига тушсам ҳам мендан бир қарич нари силжимади. Эй, қулатингдан ургилай эгам, дейман узимча, бир жониворга шунчалик меҳр берган бўлсанг...

У сузлаяпти-ку, мен хаёлга берилиб кетдим. Қани энди баъзи бандаларингизда ҳам шу жонивордаги меҳр бўлса...

— Биласизми, — опоқ ойингиз менга мурожаат этди, — Олатой бизларга ичккан, шу боисдан овқат смай қўйган, уйга ҳам кирмаган, ҳовлига ҳам чиқмаган.

Мен қулиб юбордим.

— Наҳотки?

— Ҳа, ҳа, шундай, мен боргач, унга жон кирди, бирга юрди. Тавба, дейман, ёкамни ушлаб, ҳайвон ҳам ким қимлиги-

ни биларкан-да. Уни қуриб болаларингизга қушилиб, қузимдан ёш чиқди. Бир уяламан, бир куламан, биров курса нима дейди, нима хаёлларга боради, деб уйлайман. Уйдагилар агар бугун ҳам подволдан чиқмаса, уни халтага солиб, бизни қурсатгани олиб келишмоқчи бўлиб туришган экан. Жамшидхон «Олатой додалар билан бузимларни соғинган», деб тинмай жов-жовлабди.

— Йўғ-е, бунчалик бўлмаса керак, — дедим ишонқирамаган бўлиб.

— Йўқ, рост гап, узингиз қурганингизда эди... Вой, Олатойи тушмагур-ей... Энди ишондим, жониворларда фақат тил йўқ, бошқа ҳамма нарсасига фаҳми етади, деган гапларга.

Хуллас, Олатой ҳаммамиз учун умумий эрмак, овунчоқ бўлиб қолганди. Аввалига шунчаки невараларим кунгли учун уни олиб қолган эдик, эндиликда эса узимиз сезмаган ҳолда ҳаммамиз унга, у эса бизга боғланиб қолганди.

Нега шу пайтгача мушук асрамаган эканмиз-а. Бу жониворда инсонга нисбатан шунчалик меҳр борлигини билмаганмиз. Уқиганим бор эди, мушук узининг тутиши, мулоимлиги билан киши асабига ижобий таъсир қилади, деган сузларни. Ҳақ гап экан. Аввало у ҳаётнинг баъзи кунгилсиз майда-чуйда, дилга озор берувчи воқеа-ҳодисалардан, уй-фикрлардан чалгитар экан. Узим қайта-қайта шунга ишондим. Баъзида бирор кунгилга ёқмайдиган гап-суздан ё бўлмаса ёқмайдиган ҳодисадан тунд бўлиб келсам, Олатой чопқиллаб келиб, оёқларимга сурканиши, ёқимли қилиқлари билан эркаланишини қуриб, кунгил чигили уша заҳотиёқ ёзилиб кетади. Бу ҳолатни таниш-билишларимнинг купига сузлаб берганман. Баъзилари, шундай эканлигини биз ҳам уқиганмиз, дейишади, айримлари эса, «жуда ошириб юбордингиз-ку», деб қулиб қуйишади. Майли, ким нима деса деяверсин. Мен бор гапни, узим қурган, ҳис этган воқеани сузлаб бераяпман.

(Давоми бор)

ҲАР КИМНИНГ ТАЪБИ

Ҳиндлар сут, қатик, қаймоқни хуш қуриб истеъмол қилишади, бироқ сигир гуштини ҳеч қачон ёишмайди.

Африкадаги массан ва самбуру қабилалари нуқул сут билан озиқланади.

Бразилияда бир тоифа одамлар яшашадики, улар яланғоч юришдан номус қилишмайди. Аммо бировнинг олдида олиб қолишса ҳам овқатланишмайди. Негаки, улар буни жуда-жуда уят деб билишади.

Саҳрои Кабирнинг марказий қисмида яшовчи кучманчи араб қабилаларига мансуб одамлар жазирама иссиқда бир қултум сув ичмасдан, нонуштага еган бир дона хурмо меваси билан кечгача қаноат қилишади.

Японлар денгиз ҳайвонларининг гуштини севиб истеъмол қилишади. Айниқса улар учун саккизоёқ гушти жуда-тотли ҳисобланади.

ШОКОЛАД ДАРАХТИ

Какаоли шоколадларни мазза қилиб семайдиган киши орамизда бўлмаса керак. аммо купчилигимиз какаонинг асл ватани Жанубий Америка эканлигини, айна кунда эса уни энг кўп етиштиратган Африка мамлакатлари эканлигини билмаймиз. Какао дарахти 4—5 ешида ҳосилга кириб, 35—40 йил мева беради. Узунлиги 20 сантиметр, оғирлиги эса ярим килограммгача бўлган меванинг ичида 50 дона атрофида ловиясимон уруғи бўлади. Худди ана шу уруғ қандолатчиликда ишлатилиб, биз суюб истеъмол қиладиган какаоли шоколадлар тайерлашда асқотади.

ГАП МОҲИРЛИКДА

Буюк Британиянинг Трубборж шаҳрида истиқомат қилувчи Харалд Уиткомб ва Жералд Хардинг исмли ошхона хизматчилари уз маҳоратлари билан купчиликни ҳайратда қолдирдилар. Гап шундаки, бу икки хизматчининг кузлари қур бўлсада 7 соату 25 минут ичида 12 минг 600 дона тухумни арчидилар.



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТЕУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон КИРФИЗБОЕВ, Дадахон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерлари терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0375.
10960 нусхада босилди.
Қўғоз бизими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30
Набатчи муҳаррир Х.Аҳмедова.

Рўйхатдан утин тартиби
№ 000137
Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
Нашр курсаткичи: № 64563
Телефон:
33-44-25

